

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**Қўл ёзма ҳуқукида
УДК: 616.61-008.64-085.2**

Мирзаева Гулчеҳра Файзуллаевна

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ДИАЛИЗ ОЛДИ
БОСҚИЧИДАГИ БЕМОРЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ДАВОСИДА
ЦИНАРОЗИД ВА ЛЕСПЕФЛАННИНГ ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

5А 720103 - Ички касалликлар

Илмий раҳбар: доцент Собиров М. А.

Тошкент 2014

Мундарижа

Қисқартмалар рўйхати.....	3
Мавзунинг долзарблиги	4
Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари.....	6
I БОБ. Адабиётлар таҳлили.....	8
II БОБ Материал ва методлар.....	30
III БОБ. Олинган натижалар таҳлили.....	37
3.1 СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларнинг клиник характеристикаси.....	37
3.2 СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларнинг даволанишдан олдинги лаборатор ва инструментал текширув натижалари.....	41
3.3 Назорат гуруҳидаги беморларнинг даволанишдан кейинги клиник ва лаборатор текширув натижалари.....	46
3.4 Асосий гуруҳидаги беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари таҳлили.....	50
3.5. Ҳар иккала гуруҳда олинган натижаларнинг қиёсий динамикаси.....	56
ХОТИМА.....	64
ХУЛОСА	67
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	68
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	69

Қисқартмалар рўйхати

АЛТ	-аланинаминотрансфераза
АСТ	-аспартатаминотрансфераза
АГ	-артериал гипертензия
СБЕ	-сурункали буйрак етишмовчилиги
БСК	-буйракларнинг сурункали касаллиги
КФТ	-коптокчалар фильтрацияси тезлиги
СГН	-сурункали гломерулонефрит
АКБ	-артериал қон босими
ЭЧТ	-эритроцитлар чўкиш тезлиги
САБ	-систолик артериал босим
ДАБ	-диастолик артериал босим
ТБЕ	-терминал буйрак етишмовчилиги
БТДК	-бириктирувчи туқима диффуз касалликлари
ЭКГ	-электрокардиография
УЗИ	-ультратовуш текшируви
УКТ	-умумий қон таҳлили
УСТ	- умумий сийдик таҳлили
КФ	-коптокчалар фильтрацияси
МВБ (ЦВД)	-марказий веноз босими

Мавзунинг долзарблиги

Замонавий нефрологиянинг ҳозирги кундаги энг долзаб муаммоларидан бири сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва гемодиализгача бўлган даврни узайтиришдан иборатдир.

Сурункали буйрак етишмовчилиги нефронлар сони ва улар функциясининг прогрессив тарзда камайиб бориши билан кечадиган жараёндир. Маълумки, буйракларнинг асосий вазифаси организм ички муҳити доимийлигини, яъни гомеостазни таъминлашдан иборат. Буйракларнинг экскретор ва инкретор функциясининг бузилиши, моддалар алмашинувининг ҳамма турларининг бузилишига, жумладан, кислота-ишқор ва электролитлар мувозанатининг издан чиқиши натижасида ҳамма орган ва системалар фаолиятига салбий таъсир қилади. (20,15).

Гломерулонефрит, пиелонефрит, интерстициал нефритлар, диабетик нефропатия каби буйрак касалликлари СБЕнинг асосий сабабларидан бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда, турли ревматик касалликлар, жумладан, ревматоид артрит, системали қизил югурик, подагра, системали склеродермия ва ятроген нефропатияларнинг ҳам СБЕ билан асоратланиши тобора кўп учрамоқда. Ривожланган давлатларда эса аҳолининг «қариши» натижасида ангиоген нефросклероз (гипертоник, атеросклеротик) ва сийдик йўллари обструкцияси билан кечадиган урологик касалликлар натижасида келиб чиқадиган СБЕ кўпайган. (2.3)

Дунё бўйича аҳолининг СБЕ билан оғриши ўртача 1 млн. га 150-200 одам тўғри келади. Россияда ҳар йили 1 млн. аҳоли орасидан 60-100 кишида биринчи бор СБЕ аникланса, АКШда бу курсаткич 180-200 ни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса 100000 аҳолига 2.8 киши тўғри келади (8). Ёш жиҳатдан олиб қараганда, аҳолининг айнан меҳнатга лаёқатли

қатлами ўртасида ногиронликка олиб келувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, СБЕда сув-электролит баланси бузилади (K^+ , Na^+ насоси фаолияти издан чиқади, хужайра ичида натрий ионлари тўпланади, калий эса камаяди), томирлар тонуси ошади ва АКБ кутарилади, кислота-ишкорий мувозанат бузилади, метаболик ацидоз ривожланади. Бу патологик узгаришлар СБЕнинг терминал босқичида юкори нуктага етади. Метаболик узгаришлар микроциркуляциянинг бузилиши, кон реологиясининг ёмонлашувига олиб келади, бу эса уз навбатида ички органлар фаолиятини ишдан чиқаради (26,24).

Шу билан бирга, орган ва туқималар фаолиятини издан чиқишига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири азот алмашинувининг бузилиши ва азот қолдиқларини организмда тўпланиб боришидир. Ҳозирги кунда, буйраклар томонидан жуда кўплаб азот қолдиқларининг метаболизми ва экскреция қилиниши аниқланган. Буйрак фаолияти сусайиши билан, азот алмашинуви махсулотлари, яъни креатинин ва мочевина тўплана бошлайди.

Бирок, ҳозирги пайтга келиб, ушбу моддаларнинг деярли безарар эканлиги айтилмоқда ва бу фикр тажрибаларда исботланган (Тареев Е.И.). Ҳозирги кунда «ўрта молекулалар» («средние молекулы») деб аталувчи қолдиқ азот метаболитлари асосий уремик токсинлар сифатида эътироф этилмоқда. Уларнинг таркиби ва табиати жуда хилма-хил бўлиб, кам ўрганилган. Айнан шу моддалар сабабли уремик симптомлар келиб чиқиши аниқланган. Шўнга қарамай, ҳозиргача сурункали буйрак етишмовчилигини (СБЕ) аниқлаш ва унинг даражаларини белгилашда қонда креатинин ва мочевина концентрациясига асосланилади. Шунингдек, гипозотемик препаратларнинг таъсир самарадорлигини баҳолашда ҳам асосан шу икки курсаткичдан фойдаланамиз.

Ҳозирги кунда замонавий гипозотемик дори воситалари тури санокли бўлиб, улар орасида фитопрепаратларнинг таъсири анча суст деб баҳолаб

келинган. Леспедеца усимлигидан олинадиган настойкалар қадимдан халқ табобатида турли касалликларда қўлланилиб келинган. 60-йилларда рус олимлари томонидан леспедецадан олинадиган настойкаларнинг гипоазотемик таъсирга эга эканлиги аниқланган ва моддалар асосида леспенефрил ва кейинчалик леспефлан препарати ишлаб чиқилган.

Қонда азот қолдиқлари миқдорини камайтиришда ишлатиладиган бошқа гуруҳ дори воситалари, масалан, энтеросорбентлар ичакда токсик моддалар билан бирга ҳаётий зарур витаминлар, оқсиллар ва бошқа фойдали моддаларни ҳам сўриб олади. Шунинг учун ҳам уларни узоқ вақт давомида қўллаб бўлмайди. Фитопрепаратлар, жумладан леспефлан ҳам организм учун безарар бўлиб, узоқ вақт давомида самарали қўллаш мумкин. Леспедеца таркибидаги флавоноидлар таъсирида қонда қолдиқ азот камайиши, диурез ортиши, буйракларда қон айланиши яхшиланиши, клиренс ошиши тажрибаларда исботланган.

Ҳозирги кунда С.Ю.Юсупов номидаги усимликлар кимёси институти томонидан гипоазтемик таъсирга эга бўлган Цинарозид номи билан янги аналогик препарат яратилди.

СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларда (диабетик нефропатия истисно қилинган) комплекс даво таркибида Цинарозид препаратининг самарадорлигини ўрганиш ва унинг таъсирини Леспефлан препарати билан солиштириш мавзунинг долзарблигини ифодалайди

Мақсад

Ушбу илмий изланишдан мақсад, СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларда (диабетик нефропатиядан ташқари) комплекс даво таркибида леспефлан препаратининг гипоазотемик таъсири самарадорлигини ўрганишдан иборатдир.

Вазифалар

1. СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларда комплекс даво таркибида Леспефлан препарати қўлланганда азотемия ва буйраклар функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш;
2. СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларда комплекс даво таркибида Цинарозид препаратини қўлланганда азотемия ва буйраклар функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш;
3. Ушбу беморларда алоҳида равишда қўлланганда Леспефлан ҳамда Цинарозид препаратининг самарадорлигини қиёсий таққослаш.

Илмий янгилик

Ушбу изланишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Цинарозид препарати клиникада, буйрак касалликларининг асорати булган СБЕ билан оғриган беморларнинг комплекс давосида қўлланилиб, унинг буйраклар функционал ҳолатига таъсири ҳамда самарадорлиги леспефлан препарати билан қиёсий солиштирилади.

Илмий аҳамияти

СБЕ интермиттирловчи босқичидаги беморларда Ўзбекистон фармакологик саноатида янги бўлган ушбу Цинарозид номли препаратини қўллаш буйраклар функционал ҳолатини турғунлаштириб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти, гемодиализгача бўлган даврни узайтириши сабабли иқтисодий аҳамият касб этади.

Нашрлар. Ушбу диссертация мавзуси бўйича 1 та статья ва 2 та тезис чиқарилди. Кафедра апробацияси (04.12.2013 ТМА) ва кафедралараро апробацияда(04.04.14 ТМА) ҳимоя қилинди.

Диссертация ҳажми ва структураси. Диссертация компьютер матнида келтирилган бўлиб, кириш, адабиётлар таҳлили, материал ва текширув усуллари, олинган натижалар таҳлили, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва

адабиётлар рўйхатидан иборат. Илмий ишда 10 та диаграмма, 21 та жадвал келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 71 тани ташкил қилади, улардан 35 таси чет тилида.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Хозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатларда буйрак функциясининг пасайишига олиб келувчи касалликлар сони ортиб бормоқда. Сурункали буйрак етишмовчилиги муаммоси, шунингдек унинг босқичларини аниқлаш, қимматбаҳо даволаш усуллари (гемодиализ, перитонеал диализ, буйрак трансплантацияси) муаммолари аллақачон ўта мухим ижтимоий аҳамият қозонган. Беморлар учун нафақат СБЕнинг оғирлашиб бориши, балки асосий касалликнинг қайталаниши оқибатлари, шунингдек етарлича текширув ва даволаш ўтказилмаслиги оқибатида аҳволнинг кескин ёмонлашиш ҳоллари ва юрак - қон томир асоратларининг кўшилиши хавфи ҳам юқориликча қолмоқда.

СБЕга олиб келувчи сабабларни ўрганишга бағишланган эпидемиологик изланишларда аниқланган хавф омиллари юрак қон томир тизимини ҳимоялаш ҳам кўзда тутилган.

Юқоридагиларга асосан, National Kidney Foundation (АКШ) томонидан буйрак касалликларининг диагностикаси, даволаш ва профилактикасини умулаштириш мақсадида «Буйраклар сурункали касаллиги» (ХБП) тушунчаси киритилади.

СБК деганда, терминал буйрак етишмовчилигига олиб келадиган буйракнинг исталган сурункали касаллигига айтиш мумкин. БСКнинг бир қанча клиник босқичлари фарқланади (US National Kidney Foundation/Kidney Disease Outcomes Quality Initiative):

1- босқич- буйрақлар зарарланиши белгилари бор, сийдикда патологизмлар аниқланади, коптокчалар филтрацияси тезлиги нормада (СКФ ≥ 90 мл/мин)

2-босқич- буйрақлар зарарланиши белгилари бор, СКФ 60-89 мл/мин

3- босқич- СКФ 30-59 мл/мин


4- босқич- СКФ 15-29 мл/мин

5- босқич- терминал буйрак етишмовчилиги СКФ < 15 мл/мин.

БСК босқичларини аниқлашда СКФ асосий роль уйнайди. Шундай қилиб, БСК тушунчаси кўплаб нозологияларни уз ичига олган синдром тушунчасига мос келади.

СБК - кенг нозологик тушунча бўлиб, бўнга олиб келувчи сабаблар ҳам нисбатан чуқурроқдир. СБК ташхиси қуйидаги меъзонлар асосида қуйилади.

1. Уч ойдан кам бўлмаган муддатда буйрак шикастланишини ҳар қандай клиник маркерларини аниқланиши.
2. Органнинг қайтмас структуравий узгаришининг морфологик текширувда ҳар қандай маркерларини аниқланиши
3. Уч ойдан кам бўлмаган муддатда коптокча филтрация тезлигини $60 \text{ мл/мин/1,73 м}^2$ кам бўлиши



Сурункали буйрак касаллигига ташхиси қўйилиши қуйидагича:

- Сурункали гломерулонефрит аралаш шакли. СБК 4
- Буйраклар поликистози. СБК 3А
- Ўнг томонлама сурункали пиелонефрит. СБК 3Б

Сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) - бу ишлаётган нефронлар сонининг прогрессив равишда камайиб бориши оқибатида гомеостазнинг бузилишидир. Бу ҳолат буйракнинг деярли барча касалликларинг асорати бўлиб ҳисобланади ва кўп симптомли комплекс бўлиб, ҳамма орган ва системаларнинг функциясининг издан чиқиши билан ифодаланади. Организм гомеостазини сақлаш учун буйрак қуйидаги вазифаларни бажаради: организмнинг турли муҳитларида ионлар ва осмотик актив моддалар мувозанатини бошқаради, кислота-ишқор мувозанатини сақлаб туради, эндоген ва экзоген токсик моддаларни секреция ва экскреция қилади, бир катор биологик актив моддаларни (ренин, простагландинлар, кининлар, натрийуретик пептид ва бошқалар) ишлаб чиқаради, оксил, ёғ, углевод метаболизмида қатнашади.

Юкорида айтилган функцияларнинг бузилиши кучайиб бориши билан турлича клиник кўринишлар келиб чиқади. Буйраклар жуда катта компенсатор хусусиятга эга бўлиб, нефронларнинг 60-70% йуқотилгандагина буйрак етишмовчилиги белгиларининг клиник кўринишлари намоён бўла бошлайди. СБЕнинг терминал босқичи, яъни клиник манзарасининг яккол намоён бўлиши 10-15% нефронлар қолганда кузатилади [8].

Қуйидаги ҳолатлар СБЕнинг асосий сабаблари ҳисобланади: коптокчалар зарарланиши билан кечувчи касалликлар

(гломерулонефритлар), каналчалар ва интерстиций зарарланиши билан кечувчи касалликлар (пиелонефрит, интерстициал нефритлар, бириктирувчи тўқима диффуз касалликлари), моддалар алмашинуви касалликлари (қандли диабет, амилоидоз, подагра, гипероксалурия), буйракларнинг туғма касалликлари (поликистоз, гипоплазия, Фанкони синдроми), буйрак томирларининг бирламчи зарарланиши (хавфли (злокачественная) гипертензия, буйрак артериялари стенози), обструктив нефропатиялар (буйрак-тош касаллиги, усмалар) ва х.к.

Шубҳасиз, СБЕга олиб келувчи асосий сабаблардан бири буйракнинг бирламчи касалликларидир (гломерулонефрит, пиелонефрит, поликистоз). Шу билан бирга, охирги пайтларда системали кизил волчанка, ревматоид артрит ва бошқа ревматик касалликлар, диабетик нефропатияларнинг ҳам урни ортиб бормокда.

АКШда уремик босқичда гемодиализ килинадиган беморларнинг 25%ини диабетик нефропатия ташкил қилади. Ривожланган давлатларда аҳолининг кариб бориши билан ангиоген нефропатиялар (гипертензия касаллиги, атеросклероз) ва сийдик йўллари обструкцияси билан кечувчи урологик касалликлар сони ортиб бормокда [17,18].

СБЕ нинг ривожланишига олиб келувчи омилларнинг турлича эканлигига қарамай, буйраклардаги морфологик ўзгаришлар охирги босқичларида деярли бир хил бўлиб, дастлабки бирламчи касалликка хос патоморфологик манзара йуқола бошлайди. Бу ўзгаришлар гломерулосклероз, тубуло-интерстициал фиброз, буйрак ичи артерияларининг склерози ва сақланиб қолган нефронларнинг гипертрофияси билан характерланади. Қоптоқчалар гемодинамикасида СБЕга хос ўзгаришлар аникланади, яъни, олиб келувчи артериоланинг ёки олиб кетувчи артериоланинг тонуси пасайиши оқибатида гипертензия ва гиперфилтрация кузатилади. Функционал ўзгаришлар оқибатида

коптокчалар гипертрофияга учрайди, СБЕнинг кейинги ривожланиши суръати шу ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Сурункали буйрак етишмовчилиги деганда, организмда сув-туз алмашинувининг бузилиши, кислота-ишқорий мувозанатнинг бузилиши, азот колдикларининг тупланиши, эндокрин ва ферментатив фаолиятининг бузилиши назарда тутилади [17].

Азотемия- конда мочевина, аминокислотлар, креатинин, сийдик кислотаси, метилгуанидин, фосфатлар ва бошқа метаболитларнинг кўпайиши билан ифодаланади. Организмга кўп миқдорда оксил тушганда ёки узок муддатли очлик натижасида натижасида ҳам оксил катаболизмининг кучаяди ва конда аминокислот миқдори ошиши мумкин.

Мочевина оксил алмашинувининг охири маҳсулоти бўлиб, жигарда аминокислоталарнинг дезаминирланишидан ҳосил бўлади. Буйрак етишмовчилиги бўлганда, мочевинанинг буйраклардан чиқарилиши камаёди, шу билан бирга баъзи номуайим сабабларга кўра унинг жигарда синтезланиши ҳам кўпаяди. Креатинин эса мушакларда креатиндан ҳосил бўлади. Конда креатининнинг концентрацияси доимий бўлиб, коптокчалар филтрацияси нормадан 20-30%га камайганда креатинин ва мочевина параллел равишда кўпая бошлайди. Паратгормон ҳам асосий уремик токсин сифатида катта аҳамиятга эга. Бунинг исботи сифатида эса қисман паратиреоидэктомиянинг ҳам анча самара беришини айтиб ўтиш керак.

Ҳозирги кунда «ўрта молекулалар » деб аталувчи, молекуляр массаси 100-2000 дальтон атрофида бўлган, табиати номуайим бўлган моддалар энг асосий уремик токсинлар сифатида эътироф этилмоқда. Айнан улар СБЕ беморларининг қонида тўпланади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уремик интоксикация синдроми айнан бир ёки бир неча токсинларнинг таъсири бўлмай, балки барча туқималардаги патологик ўзгаришлар ва трансмембранал потенциалнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлади [8,9].

Камқонлик. Камқонлик сабаблари бўлиб, қон кетиши, организмда темир ва оқсил етишмовчилиги натижасида эритроцитлар ўртача умрининг қисқариши, гемолиз (глюкоза-6-фосфатдегидрогеназа дефицити, гуанидиннинг ортикча микдори), эритропоэтин кам ишлаб чиқарилиши ҳисобланади. «Ўрта» молекулаларнинг кўпайиши ҳам гемопоезга салбий таъсир қилади. [14].

Остеодистрофия, организмда кальциферол метаболизми бузилишидан келиб чиқади. Буйракларда 1,25-дегидроксикальциферолнинг актив метаболити ҳосил бўлади, бу модда кальций ташувчи оқсиллар синтезини бошқаради. СБЕ да кальциферолнинг актив метаболитларига айланиш жараёни блокланади.

Сув-электродит мувозанати терминал босқичгача ҳам физиологик ҳолатда сақланиши мумкин. Каналчаларда ионлар транспорти бузилиши билан натрий кўп миқдорда йукотила бошлайди, унинг ўрни тўлдириб турилмаса гипонатриемия ҳолати вужудга келади. [13].

Гиперкалиемия СБЕнинг иккинчи энг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат нафакат катаболизм кучайиши билан, балки ацидоз натижасида, аникроғи хужайра ичида ва ташқарисида калий тақсимланишининг бузилиши билан боғлиқ.

Кислота-ишқор мувозанатининг бузилиши «карбонат кислотаси - гидрокарбонат» тизими фаолияти бузилишидан келиб чиқади. Патологик жараённинг турига қура кислота-ишқор мувозанати бузилишининг типлари фаркланади. Коптокчалар зарарланганда кислоталарнинг сийдикка ўтиши камаяди, тубуляр патологияда асосан аммоний-ацидогенез кучайиши роль уйнайди [34].

1.2 Артериал гипертензия. Унинг патогенезида вазодилататор хусусиятига эга бўлган кининларнинг камайиб кетиши катта аҳамиятга эга. Буйраклар томонидан натрий ва айланиб юрган қон ҳажмини бошқарилиши издан чиққач, вазоконстрикторлар ва вазодилататорлар ўртасидаги

мувозанат ҳам бузилилади. СБЕнинг терминал давридаги гипертензия буйракларда фильтрацион босимни таъминлашга қаратилган адаптацион ҳимоя реакцияси бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қон босимнинг кескин пасайиши ўлимга олиб келиши мумкин.

Геморрагик ҳолатлар қон ивиш хусусиятларининг ўзгариши, тромб ҳосил бўлишининг бузилиши ва томир деворидаги узгаришлар билан боғлиқ. ДВС-синдроми ҳам кузатилиши мумкин. СБЕ учун тромбоцитопения унчалик хос эмас, балки тромбоцитар дисфункция (3-тромбоцитар факторнинг функционал активлигининг камайиши оқибатида), томирлар эндотелий каватининг зарарланиши коагуляция ва тромб ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади. [25].

Иммунодефицит ҳолатлар – иммун реактивликнинг пасайиши, инфекцион касалликларга чалинишга мойиллик, инфекцион жараённинг афебрил кечиши каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Т- ва В-лимфоцитлар ҳам камаяди.

Нефронлар сонининг прогрессив равишда камайиб бориши натижасида 200га яқин биологик актив моддаларнинг баъзиларининг камайиб кетиши, баъзиларининг эса организмда тўпланиб қолиши кузатилади. Организмнинг маълум бир функцияларига жавоб берадиган стимулятор ва ингибиторлар нисбатининг бузилиши оқибатида метаболизмнинг бутун организм даражасида издан чиқади. Ушбу ҳолатларда адаптацион реакциялар нафақат буйракларда балки бутун организм даражасида «патологик занжир» ҳосил қилади, ва ҳамма орган ва системалар зарарланади. Айнан турли биохимик, метаболик ва патофизиологик аномалиялар биргаликда СБЕнинг моҳиятини ташкил қилади. Оқсиллар ва аминокислоталар метаболизмининг айрим колдиклари, масалан: гуанидин бирикмалари (метил- ва диметилгуанидин, креатин, креатинин, гуанидинянтарь кислотаси), ҳолсизлик, бош оғриғи, анорексия, кўнгил айланиши, қусиш каби симптомларга сабаб бўлса, метилгуанидиннинг тўпланиши оқибатида гипертриглицеридемия ва

ичаклардан кальций сўрилишининг камайиши, гуанидинянтарь кислотаси тўпланганда эса гемостазнинг тромбоцитар звеноси бузилиши аникланади [12].

Конда йирик молекуляр массага эга булган азот алмашинуви моддалари – «урта» молекулалар, жумладан турли полипептид гормонлар: инсулин, глюкагон, паратгормон (ПТГ), соматостатин, лютеинловчи гормон, пролактин каби моддаларнинг кўпайиши суяк кумигида кон яратилишига салбий таъсир килиши, гемоглобинга темир бирикишининг бузилиши, полинейропатия ривожланиши, липидлар ва углевод алмашинувининг бузилиши, иммунитет кучсизланиши аникланган. Бирок, турли биоактив моддалар организмга ҳар-хил токсик таъсир курсатади. Айникса, паратгормоннинг токсик таъсири яккол кўринади. Паратгормон таъсирида кальцийнинг суяклардан иммобилизацияси тезлашади ва остеодистрофия, остеомалация пайдо бўлади, шу билан бирга у триглицеридемия ва атеросклерознинг тезлашиши, полинейропатия, импотенция ва уремиянинг бошка симптомларига сабаб булгани учун «универсал уремик токсин» деб аталади. Лекин «урта молекулаларнинг» тупланиши нафакат СБЕда, балки бошка оғир касалликларда (шок, кома, миокард инфаркти, менингит, панкреатит) ҳам кузатилади ва кўпрок беморнинг ва орган патологиясининг оғирлик даражасини кўрсатиб беради, унинг СБЕ патогенезидаги ўрни ҳали тўлиқ ўрганилмаган [10,16].

Буйракларнинг функционал ҳолати ёмонлашиб бориши билан, хужайра ичи ва унинг ташқарисидаги боғланишлар ҳам ўзгаради (масалан, пептид-инсулин комплексларининг ҳосил бўлиши инсулин рецепторларини блоклайди ва глюкоза утилизациясини бузади).

СБЕда сув ва ионларнинг трансмембранал ҳаракатининг бузилиши натижасида хужайра ичида натрий кўпаяди, калий камаяди, хужайра гипергидратацияси ва электрик потенциалининг пасайишига олиб келади. Айникса, эритроцитлар ва бош мия хужайраларида АТФ-азанинг активлиги

камаяди. Эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар ва скелет мускулатураси хужайраларининг функционал ҳолати узгаради, бу уремияда геморрагиялар, инфекцион касалликларга қарши курашиш қобилиятининг пасайиши, анемия, миопатиялар билан намоён бўлади. Буйракларнинг сув балансини сақлай олмаслиги натижасида организмда ортикча сув ва натрий тупланади, бу эса уз навбатида тотал гипергидратация ва артериал гипертонияга олиб келади. Коптокчалар филтрациясининг камая бошлаши билан артериал гипертензияга мойиллик ортиб бориши ва чап қоринчанинг гипертрофияси ва диастолик дисфункцияси келиб чиқиши аниқланган (9).

Гиперинсулинизмнинг тез ривожланиши, иккиламчи гиперпаратиреоз ва қоннинг липид спектрининг узгариши беморларда атеросклероз жараёнини тезлаштиради, метаболик полисиндромларга олиб келади.

1.3 СБЕнинг клиник кўринишлари

Сув-электролит ва кислота ишқорий мувозанатнинг бузилиши. СБЕда энг аввало буйракларнинг адекват сув ажратиш функцияси бузилади. Буйракларнинг сийдикни концентрлаш функцияси бузилиши оқибатида сийдикнинг осмольярлиги қоннинг осмольярлигига тенглашиб қолади. Изостенурия ҳолатида осмотик метаболитларни тўлиқ чиқариб ташлаш учун (бир суткада уртача 600 мосм/кг сув ҳосил бўлади) буйраклар камида 2 литр облигат сув чиқаришига тугри келади, яъни СБЕнинг белгиларидан бири булган мажбурий полиурия пайдо бўлади. Бу ҳолда чиқарилётган сув микдорининг ўзгариши максимал даражада камаяди ва беморларда сув ичиш режимининг бузилиши организмнинг бирданига сувсизланиши ёки гипергидратациясига олиб келади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам юрак-қон томир фаолияти ва электролит балансининг бузилади, бу эса айниқса кекса ёшдагилар учун хавфли бўлади [8,40].

Натрий, калий ва магний баланси СБЕнинг терминал босқичигача адекват ҳолда сақланади (КФ 15мл/минга қадар), ундан сўнг буйраклар озик

махсулотлари билан тушаётган тузларнинг қондаги концентрациясининг кескин ўзгаришини бошқара олмайди. Овкат таркибида натрийнинг камайиши ва диуретикларнинг қулланилиши натижасида унинг манфий баланси келиб чиқади, тукима суюқлиги кўпаяди, КФ камаяди, азотемия кучайиб боради. Кундалик овкат рациона таркибида калийнинг кўп бўлиши гиперкалиемияга олиб келади, ацидоз ҳам гиперкалиемияга сабаб бўлиши мумкин. Гипоренинемик гипоальдостеронизмда эса ташқаридан тушаётган калий миқдори кам ва олигурия бўлмаган тақдирда ҳам доимий гиперкалиемия кузатилади [39]. Бу ҳолат кўпинча қандли диабетда кузатилади. Магний концентрациясининг ошиши нафас етишмовчилиги ва мушаклар параличи келиб чиқади. Кислота-ишқор мувозанати проксимал каналчаларда бикабонатлар реабсорбцияси ва дистал каналчаларда водород ионларининг аммиак ва бошқа кислоталар қуринишида секрецияси ҳисобига сақлаб турилади. Буйраклар функционал захираси анча катта бўлгани учун нефронларнинг 80% ишдан чиққанда ҳам кислота-ишқор мувозанати нормал ҳолда сақланади. Кейинчалик ацидоз ривожланиши билан нафас ритми бузилади, КуССмаул ёки Амбюрже нафаси пайдо бўлади

Фосфор ва кальций алмашинувининг бузилиши. Иккиламчи гиперпаратиреоз. Фосфор-кальций алмашинуви бузилишининг илк белгилари анча эрта пайдо бўлади. КФ 80-60 мл/минг камайгандаёқ, қонда паратгормон миқдорининг ошиши ва ошқозон ичакдан кальций сурилишини тухтатувчи кальцитриол миқдорини камайиши кузатилади. Айнан кальцитриолнинг камайиши ва унинг оқибатида келиб чиқадиган гипокальциемия паратгормоннинг ортикча синтезланишига олиб келади [15]. КФ 15 мл/мин гача камайганда гиперфосфатемия ва гипокальциемия (ионлашган кальций ҳисобига) кузатилади. Ацидоз кальцийнинг ионлашган фракциясини кўпайтиради, ацидозни тез коррекция қилиниши оқибатида ионлашган кальций миқдори кескин камайиши ва уткир тетания ва талваса синдромини келтириб чиқариши мумкин. Гипокальциемия ҳисобига

кальцийнинг трансмембранал транспортини тухтатувчи кальцитонин микдори юкори бўлади, $1,25(\text{OH})_2\text{D}_3$ (витамин D нинг актив хосиласи)нинг буйракларда синтези камайгани учун кальцийнинг ошкозон ичаклардан сурилиши бузилади. Гипокальциемия натижасида паратгормон кўпайиб боради, унинг буйраклар оркали экскрецияси бузилгани сабабли организмда туплана бошлайди. Иккиламчи гиперпаратиреоз белгилари юзага чиқади, фиброз остеит- остеопороз, остеофиброз ва упинча остеомалация (патогенези тулик урганилмаган) кузатилади. Суякларниг «буйрак остеодистрофияси» деб аталувчи узгаришлари билан бирга уремияда турли туқималарда метастатик кальцификациялар пайдо бўлади. Метастатик кальцификациялар асосан урта калибрли кон томирлари, тери ости клетчаткаси, бугимлар, куз, миокард ва упкаларда учрайди. Кальцификациялар натижасида терида тинимсиз кичиш, кузларда кизариш, артропатия, елка артерияси кальцификациясида «псевдогипертония» синдроми, юрак ва бош мия томирлари кальцификациясида инфаркт ва инсультлар, упка гипертензияси, микроциркуляциянинг тотал бузилиши каби симптомлар пайдо бўлади. Иккиламчи гиперпаратиреозда эса паратгормоннинг кўп киррали таъсири юзага чикиб, периферик нейропатия, ошкозоннинг эрозия ва яраланиши, энцефалопатия, кардиомиопатия, импотенция белгилари кузатилади [14,15].

Оқсил, ёғ ва углевод алмашинуви. Проксимал каналчаларнинг зарарланиши натижасида молекуляр массаси 60000 дан кам булган пептидларнинг иетаболизми бузилади ва алмаштириб булмайдиган аминокислоталарнинг, айникса гистидиннинг танкислиги юзага келади. Оқсиллар овкат билан етарли даражада тушмаганда (кам оқсилли пархез) оқсил етишмовчилиги ривожланади, мушак массаси камаяди, кахексия ва туқималар репарацияси секинлашади. СБЕ беморларида гиперинсулинизм тез ривожланади (КФ 80 мл/мин га камайганда), туқималарнинг инсулинга резистентлиги пайдо бўлади, глюкозага толерантлик бузилади, яъни уремик

псевдодиабет ривожланади. Энергетик етишмовчилик сабабли катаболизм тезлашади, бунда асосан глюкоза билан озикланувчи туқималар (бош миёя) зарарланади. Глюконеогенез ингибиторларининг тупланиб қолиши оқибатида сут кислотаси альтернатив йул билан ҳосил бўлиши кучаяди ва лактатацидозга мойиллик вужудга келади. СБЕда қонда креатинин миқдори $3\text{мг}\%$ га кутарилганда холестерин синтезининг бошланғич моддаси бўлган мевалонат клиренси пасаяди, қондан триглицеридларнинг чиқарилиши секинлашади, липопротеинлипаза активлиги пасайиши ҳисобига триглицеридлар парчаланиши камаяди, жуда паст зичликдаги липопротеинлар синтези тезлашади. Шунингдек, липидларнинг юқори зичликдаги субфракцияси камаяди ва апоЕ ва апоА нисбати ортади [15]. Бўларнинг барчаси атерогенезнинг тезлашишига олиб келади ва бу беморлар орасида юрак қон томир касалликларидан улим қўп учрайди (50-60% ҳолларда).

Қондаги ўзгаришлар. СБЕ билан оғриган беморлар қонидаги энг ҳарактерли ўзгариш анемия ва геморрагик диатездир. Анемия СБЕнинг компенсирланган босқичида 80% , терминал босқичида эса 100% беморларда учраб, буйракларда эритропоэтин синтезининг пасайиб бориши ва эритроцитларнинг гемолизга мойил бўлиб қолиши натижасида юзага келади. Гемоглобин синтезини тормозловчи ингибиторлар қонда тупланиб қолиши оқибатида гемоглобин синтези ҳам секинлашади [13,14]. Уремия ҳолатида тромбоцитлар функцияси бузилади. Бу гуанидинантар кислотаси ва бошқа тромбоцитлар агрегациясининг ингибиторларининг тупланиши билан боғлиқ. Натижада қон ивиш вақти ва АЧТВ (активированное частичное тромбопластиновое время) нормада бўлса ҳам қон кетиш вақти узаяди. Натижада юмшоқ туқималарга қон қўйилиши, экхимозлар, ички қон кетишлар кузатилиши мумкин.

Нерв системасининг зарарланиши. Периферик нерв системасида зурайиб боровчи периферик полинейропатия кузатилади. Аввалига сезувчи

нервлвр ҳаракатлантирувчи нервларга караганда кўпрок зарарланади, оёк-кулларнинг дистал қисмлари кўпрок зарарланади. Унинг бошланғич белгилари вибрацион сезгирликнинг бузилиши билан кечади, парестезиялар, терида ачишиш, кичишиш хисси, оёкларда нохуш хис кузатилади. Кейинчалик мушакларда қувватсизлик, кулларда тремор, болдир мушакларида тортишиш белгилари кушилади. Марказий нерв системасининг зарарланиши натижасида тез чарчаш, хотира пасайиши, уйку бузилиши, уткир психозлар, тутуканок хуружлари, бош мия кон айланишининг уткир бузилиши, кома кузатили мумкин. Бу ҳолатлар бош мия хужайраларида энергия баланси бузилиши ва хужайра ичи гипергидратацияси билан боглик [24].

Юрак кон томир ва ўпканинг зарарланиши.

Юрак кон томир тизимининг фаолиятига жуда кўп омиллар таъсир қилади, жумладан, рениен-ангиотензин системасининг бузилиши, постагландинлар дефицити, натрий экскрециясининг камайиши, тукима суюклигининг кўпайиши, гиперкалиемиа ва бошка омилларни айтиб утиш керак. СБЕнинг энг кўп таркалган асорати артериал гипертензия бўлиб, у 50-80% беморларда учрайди. Баъзи беморларда гиперренинемиа хисобига хавфли (злокачественный) гипертония ривожланиб, у энцефалопатия, тутуканок синдроми, тур парда плазморрагияси ва курув нерви шиши билан асоратланади. СБЕнинг охирги босқичларида, кўпчилик беморларда артериал гипертензия, гипervолемиа, анемия, ацидоз, электролитлар балансининг бузилиши ва коронар томирларнинг зарарланиши хисобига кардиомиопатия ривожланади. Кардиомиопатия юрак ритми бузилиши ва юрак етишмовчилиги белгилари билан юзага чиқади (21). Уремиянинг Яна бир хавфли асорати перикардитдир. Унинг келиб чиқиш механизми охиригача урганилмаган бўлиб, у бошка перикардитлардан фаркли равишда периард бушлигида геморрагик суюклик тупланиши билан ҳарактерланади. Перикардит натижасида юрак тампонадаси, огир юрак етишмовчилиги,

«панцир юрак» келиб чиқиши мумкин; у улимнинг асосий сабаби хисобланиб, «уремиянинг мотам куйи» деб образли ифодаланади. Бу ҳолатда фақат интенсив диализ килиш билангина ёрдам бериш мумкин.

Организмда ортикча суюқлик тупланиши хисобига упка шиши келиб чиқади. Лекин, баъзи ҳолларда, юрак ва упка ички босимлари нормал бўлганда ва гипергидратация бўлмаганда ҳам упка шиши ривожланиши мумкин, бунда фақат уремияга хос бўлган «сувли упка» (водянистое легкое) кузатилиши мумкин. Рентгенда у «капалак каноти» куринишида бўлиб, упка илдизи томирларида кон димланиши, альвеолалар ўтказувчанлигининг ошиб кетиши натижасида келиб чиқади. Бундай ўпка шишини интенсив диализ ёрдамида йукотиш мумкин. Уремияда пневмонит ҳам ривожланади. Унинг морфологик белгилари ўпка эластиклигининг камайиши, альвеолар мембранасининг гиалинози ва интерстициал альвеоляр шиш билан ҳарактерланади. Уремик пневмонитнинг клиник белгилари носпецифик бўлади.

Ошқозон ичак тизимининг зарарланиши.

СБЕ беморларининг деярли барчасида диспептик синдром у ёки бу даражада ифодаланган бўлиб, унинг интенсивлиги азотемия даражасига ҳар доим ҳам боғлиқ бўлмайди. Унинг келиб чиқишига ошқозон ичаклар шиллик кавати оркали уремик токсинларнинг кўп чиқарилиши (ичаклардаги уреоллиз хисобига аммиак ҳосил бўлиши 5-6 марта ортиши мумкин), гастрин гормонинг буйраклардан чиқарилиши камайиши хисобига конда тупланиб қолиши, иккиламчи гиперпаратиреоз ва бошқа омиллар сабаб бўлади. Натижада эрозив ярали энтероколит ривожланиб, у кўпинча кон кетиши билан асоратланади. Кон кетишига тромбоцитлар фаолиятининг бузилиши ҳам мойиллик яратади.

СБЕ билан огриган беморларнинг деярли барчасида иштахасизлик, анорексия, кўнгил айнаши, қусиш кузатилади. Сўлак таркибидаги мочевина аммиакка парчаланиши натижасида оғиздан уремик хид келади, ноҳуш

таъм пайдо бўлади. Ошкозон ичаклар зарарланиши натижасида реактив панкреатит ривожланади ва у «ўраб олувчи оғриклар», ич бузилиши, конда амилаза кўпайиши билан кечади. Камдан-кам холларда уремик псевдоперитонит учрайди, бунда тана ҳарорати ва лейкоцитар формула ўзгармайди.

СБЕнинг терминал босқичида жигар зарарланиши оқибатида гипопропротеинемия кучайиб боради, гипербилирубинемия кузатилади. Урохромлар ва меланин синтези кучаяди, уларнинг буйраклар оркали экскрецияси секинлашгани боис организмда тупланиб қолади ва терининг ҳарактерли «ер» тусига киришига сабаб бўлади.

Иммунитетнинг бузилиши.

Иммунитетнинг заифлашувига СБЕга олиб келган асосий касаллик, жумладан, сурункали гломерулонефрит, бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари, глюкокортикоидлар, цитостатиклар билан даволаниш сабаб бўлади. Уремия ҳолатида лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги ва хемотаксис секинлашади. Иммунитетнинг Т-лимфоцитлар системаси айниқса кўп зарарланади. СБЕда ўлимга олиб келадиган асосий сабаблардан бири инфекция ҳисобланади. Диализгача булган даврда беморларда асосан колибациляр сепсис ва пневмония кузатилган бўлса, гемодиализ олаётган беморларда асосан ангиоген сепсис учрайди. Унинг кўзгатувчиси деярли доимо грамм мусбат флора бўлиб, кўпинча септикопиемия ва септик эндокардит ривожланишига олиб келади.

Шундай қилиб, сурункали буйрак етишмовчилиги тушунчаси кўп синдромларни ўз ичига олган бўлиб, хали ўрганилмаган кирралари кўп. СБЕ жуда кам ҳоллардагина орқага қайтиши мумкин. Аксарият ҳолларда у вақт ўтиши билан кучайиб боради ва бўнга сабаб булган бирламчи буйрак касаллиги ўз аҳамиятини йукотади ёки латент фазага ўтади. Охир оқибат терминал босқичида буйрак ўрнини босувчи методлар, яъни гемодиализ ёки буйрак трансплантацияси ўтказиш зарур бўлиб қолади. Буйракларда

бошланғич яллигланиш жараёнининг ўрнини склеротик ўзгаришлар эгаллайди, коптокчалар фильтрацияси деярли тугри чизик буйича сусайиб боради. Ушбу жараёнлар сийдик йуллари обструкцияси ва инфекцияси, ўткир дегидратация, гиповолемия (диуретикларни кўп кўллаш, ташқаридан тушаётган ош тузини кескин чеклаш) таъсирида тезлашиб кетиши мумкин. Артериал гипертензия, чекиш, протеинурия, гиперлипидемия ва гипергомоцистеинемиялар буйрак касалликларининг, шу жумладан СБЕни ҳам зурайишига олиб келувчи хавф омиллари саналади. Бўлардан гипертония, чекиш ва протеинурия катта аҳамиятга эга бўлган ва мустакил таъсир қила оладиган омиллар ҳисобланади. Конда креатин ива креатини клиренсини аниқлаш буйрак етишмовчилигининг даражасини белгилашда катта аҳамиятга эга. Конда креатинин клиренсининг динамик кузатуви, шунингдек, коптокчалар фильтрацияси тезлиги асосида ҳам СБЕ босқичи ва қанчалик тез ривожланаётгани туғрисида хулоса қилиш мумкин.

Буйракнинг сурункали касаллиги (Хроническая болезнь почек- ХБП).

Хозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатларда буйраклар функциясининг пасайишига олиб келувчи касалликлар сони ортиб бомокда. Сурункали буйрак етишмовчилиги муаммоси, шунингдек унинг босқичларини аниқлаш, кимматбаҳо даволаш усуллари (гемодиализ, перитонеал диализ, буйрак трансплантацияси) муаммолари аллақачон ўта мухим ижтимоий аҳамият қозонган. Беморлар учун нафакт СБЕнинг оғирлашиб бориши, балки асосий касалликнинг қайталаниши оқибатлари, шунингдек етарлича текширув ва даволаш ўтказилмаслиги оқибатида ахволнинг кескин ёмонлашиш ҳоллари ва юрак кон томир асоратларининг қўшилиши хавфи ҳам юқорилигича қолмокда.

СБЕга олиб келувчи сабабларни ўрганишга бағишланган эпидемиологик изланишларда аниқланган хавф омиллари юрак томир касалликларининг хавф омилларига ўхшаш эканлиги аниқланган. Шу

сабабли буйрак касалликларининг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида юрак томир тизимини химоялаш ҳам кўзда тутилган.

1.4 Бўлим. СБЕни консерватив даволаш

Даволаш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Уремияга олиб келган асосий касалликни даволаш;
- Режимга риоя қилиш;
- Парез, ичиладиган суюқлик миқдорини коррекция қилиш;
- Оқсил алмашинувининг қолдиқ маҳсулотларини камайтириш;
- Ацидозни коррекциялаш;
- Гипотензив даво;
- Камқонликни даволаш;
- Уремик остеодистрофияни даволаш
- Инфекцион асоратларга қарши кураш;

СБЕга олиб келган асосий касалликни даволаш буйрак етишмовчилигининг кечишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, сурункали пиелорнефритни узлуксиз даволаб бориш СБЕнинг бошланғич даврларида яхши натижа беради. Асосий мақсад буйракларда кечаётган яллиғланиш жараёнини иложи борица секинлаштиришдан иборат.

Режим. Беморлар совукда қолиш, огир жисмоний ва рухий зўриқишлардан сақланиши лозим. Иш ва уй шароити оптимал бўлиши керак.

Пархез. СБЕ да беморларнинг кундалик овкат рационни қуйидагиларга асосланган ҳолда тузилади:

1. оқсил миқдорини камайтириш (60-40-20гр/сутка)
2. овкат рационни организмнинг кундалик энергетик эҳтиёжига кўра етарлича ёғ, углевод ва оқсиллар билан таъминланади.
3. овкат таркибида фосфатларни камайтириш
4. туз, сув ва калий миқдорини назорат қилиш

Ушбу қоидларга кўра овқатда оқсилни камайтириш натижасида организмда азот ўолдиқлари камаяди, нефронларга нисбатан юклама камаяди, буйраklarҳҳолати анча вақтгача қониқарли сакланади. Оқсил камайгани ҳисобига мочеина ҳосил бўлиши камаяди (100 гр оқсил парчаланганда 30 гр мочеина ҳосил бўлади) (19,22).

СБЕнинг эрта муддатларида конда креатинин 0.35 ммоль/л гача бўлганда ва мочеина 16.7 ммоль/л бўлганда (КФ 40 мл/мин атрофида), оқсилни 0.8-1.0гр/кг яъни 50-60гр га чеклаш керак. Унинг 40 грами тўла қимматли ҳайвон оқсалига туғри келиши керак (гушт, тухум, сут) сут ва сут маҳсулотлари таркибида фосфор кўп бўлганлиги учун камайтиради (40). Конда креатинин миқдори 0.36-0.53 ммоль/л ва мочеина 16.7-20.0 булганда (КФ 20-30мл/мин), оқсил суткасига 40гр гача камайтиради., унинг 30 грами тўла ўимматли оқсил бўлиши керак. 30-40 гр тўла қимматли оқсил организмда азот мувозанатини нормада ушлаб турадиган минимал миқдор ҳисобланади. Агар беморда катта миқдорда протеинурия кузатилаётган булса, йукотилаётган ҳар 6 гр оқсил учун рационга 1 тухум қўшиш керак бўлади.

Сув балансини тиклаш. Плазмада креатинин миқдори 0.35-1.3 ммоль/л булганда (КФ 10-40 мл/мин) ва юрак етишмовчилиги белгилари кузатилмаганда ичиладиган сув миқдорини чеклашга ҳожат булмайди. Бунда осмотик диурез ҳисобига зарур миқдорда суюқлик ажратилади. Шу билан бирга диурезнинг кўп бўлиши каналчаларда азот қолдиқларининг реабсорбциясинини камайтиради, уларнинг максимал миқдорда чиқарилишини таъминлайди(23). Коптокчаларда суюқлик оқимининг кўпайиши филтрацион босимни оширади. Коптокчалар филтрациясистезлиги 15 мл/миндан камаймаганда гипергидратация хавфи кам бўлади.

Баъзи ҳолларда компенсатор полиурия, ич кетиш, қушиш ҳисобига дегидратация бўлади. Дегидратация хужайра ичида (қучли чанкок, тил

куруқ бўлиши, кон ковушкоклиги ва гематокрит ошиши, холсизлик, тери тургорининг камайиши) ва хужайра ташқарисида (чанқоқ, тери қуриши, тахикардия, артериал гипотензия) бўлади. Хужайра ичи дегидратациясида 5% глюкоза вена ичига ЦВД назорати остида юборилади. Хужайра ташқариси дегидратациясида эса томир ичига изотоник физиологик эритма юборилади.

Электролит балансини коррекция қилиш.

СБЕда шиш ва артериал гипертензия бўлмаган ҳолатларда ош тузини чеклаш тавсия қилинмайди. Бундай ҳолатда тузнинг кундалик миқдори 10-15гр бўлиши керак. Тузни узоқ вақт чеклаш гиповолемия, дегидратацияга олиб келади ва буйраклар фаолиятига салбий таъсир қилади. Шиш ва артериал гипертензия бўлганда тузни камайтириш керак бўлади (3-5 гр/сутка). Сурункали пиелонефритда эса 5-10гр/сутка (полиурия ва «туз йукотувчи буйрак» бўлганда). Иложи бўлса, сийдик билан йукотилаётган туз миқдорини аниқлагандан сўнг кундалик қабул қилинадиган миқдор аниқланиши керак. (15). Беморга керакли Ош тузи миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин: сийдик билан чиқариладиган кундалик натрий миқдори $\times 2.54$. ҳар литр сийдик учун уртача 5-6 гр туз тугри келади.

СБЕнинг полиурия фазасида сийдик билан калий ва натрий кўплаб йукотилиши натижасида гипонатриемия ва гипокалиемия кузатилади. Калийга бўлган кундалик эҳтиёжни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади: сийдик оркали чиқарилаётган калий миқдори $\times 1.9$. гипокалиемия аниқланганда беморга калийга бой маҳсулотлар (мева ва сабзавотлар) берилади, шунингдек 10% ли калий хлор эритмаси берилади. 1 гр калий хлорда 13.4 ммоль калий бўлади.

Енгил гиперкалиемияда (6-6.5 ммоль/л) эса рационда калийга бой овқатларни камайтириш, калий сакловчи диуретикларни камайтириш керак бўлади. Гиперкалиемия 6.5-7.0 ммол/л бўлганда глюкоза ва инсулин вена

ичига юборилиши керак. Калий микдори конда 7.0 ммол/л дан ошганда юрак томонидан турли асоратла (экстрасистолия, АВ-блокада, асистолия хавфи юкори бўлади). Бу холда вена ичига глюкоза ва инсулиндан ташқари кальций глюконат 10% 20-30- мл эритмаси ҳам юборилади.

Азот колдикларини камайтириш.

Сорбентлар ичакдан аммиак ва бошка токсик моддаларни сўриб олади. Сорбент сифатида энтеродез ёки карболен 5мг х 3 махал, хозирги кунда фильтрум- сти, лакто-фильтрум ва энтеросгель каби ҳам бошка препаратлар қўлланилмокда. Энтеродез паст молекулали поливинилпирролидон бўлиб, детоксикацион хусусиятга, токсик моддарни боглайди ва ичак оркали чиқаради, натижада конда мочевина камаяди.

Азотемияни камайтирувчи воситалар – улар мочевинанинг кўпрок чиқарилишини таъминлайдиган моддалардир. Лекин кўп авторлар томонидан бу воситаларнинг самараси нисбатан кам бўлиши айтиб ўтилган [27].

Леспенефрил ва леспефлан. Азотемияни камайтирувчи дори воситаларининг сони чегараланганлиги сабабли, гипозотемик хусусиятга эга булган моддаларни доривор усимликлар орасидан излаш ва уларнинг таъсир доирасини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Леспедеца двуцветная (*Lespedeza bicolor*) ўсимлигидан олинадиган настойканинг гипозоемик эффекти леспенефрил препаратининг таъсири билан ўхшаш эканлиги аникланган (Е.А. Василенко 1965). Ушбу ўсимлик Шаркий Сибир ва Узок Шарк ўлкаларида кенг таркалган бўлиб, 60 – йиллардан бошлаб рус олимлари томонидан ўрганила бошланган. В. Г. Гуляев (1967 й.) леспедецадан олинадиган препаратларнинг конда азот колдикларини камайтириши, креатинин ва мочевинанинг чиқарилишини тезлаштириши ва диуретик таъсири борлигини тажрибаларда аниклаган. [3,4]

Леспефлан препаратининг гипоазотемик таъсири улар таркибидаги флавоноидларга боғлиқ. Флавоноидларнинг тозаланган таркибини ажратиб олиш устида кўп илмий изланишлар қилинган бўлиб, 60-йилларда В.И.Глизин ва И.М. Малюк айнан шундай таркибга эга препарат яратилган ва у леспефлан деб номланган. Ушбу препаратда 0.15-0.18% гипоазотемик таъсир курсатувчи моддалар: витексин, ориентин, гомоориентин, сапокаретин, трифолин, астрагалин, робинин ва бошқа флавоноидлар бор.(1) Фармацевтика саноати ривожланиб бориши билан ўсимлик таркибидаги флавоноидларни тоза ҳолда ажратиб олиш технологиялари ҳам мукаммаллашди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда СБЕнинг диализгача бўлган даврини узайтиришда анча ютуқларга эришилган бўлиб, бунга гипоазотемик воситалардан самарали фойдаланиш, «нефропротекция»ни таъминлаш омил бўлган.

Цинарозид. Ҳозирги кунда С.Ю.Юсупов номидаги ўсимликлар кимёси институти томонидан гипоазотемик хусусиятга эга бўлган Цинарозид номи билан янги аналогик препарат яратилди. Цинарозид препаратининг самарадорлигини ўрганишга бағишланган адабиётлар экспериментал характерга эга. *Ferula varia* ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган ушбу флавоноиднинг гипоазотемик таъсири лабораторияда сунъий равишда ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилган жониворларда ўрганилган. Назорат гуруҳидаги хайвонларга бир хил миқдорда Цинарозид препарати берилганда жониворларда диурез ошган бўлиб, қолдиқ азот миқдори камайган.


II БОБ. Материал ва методлар

2.1 Илмий текшириш материаллари

Илмий текшириш учун ТТА III клиникасининг нефрология булимида СБЕ ташхиси билан 2011 йилдан 2012 йилгача стационар даво олган 60 нафар беморга оид клиник материаллар ва лаборатория тахлиллари асос килиб олинди.


Беморлар 22 дан 55 ёшгача булган (уртача ёш 36 ± 3.1) 27 нафар аёл ва 33 нафар эркакдан иборат. Касаллик давомийлиги 5 йилдан 11 йилгача булиб, уртача 10.4 ± 2.4 йилни ташкил килади.

**Расм 1. Беморларнинг жинс буйича
таксимланиши**



■ эркаклар ■ аёллар

Расм 2. Беморларнинг ёш буйича тақсимланиши




■ 25-35- 29% ■ 35-45 - 45% ■ 45-55 - 26%

Шаҳарда яшовчи беморлар сони 36 та, кишлоқда яшовчилар 24 тани ташкил қилади.


Беморларда СБЕ га олиб келган касалликлар қуйидагича тақсимланади: сурункали гломерулонефрит гипертоник шакли 15 та (25%), сурункали гломерулонефрит нефротик шакли 10 та (15%), сурункали гломерулонефрит аралаш шакли 12 та (22%), сурункали пиелонефрит 15 (25%), буйраклар поликистози 8 та (13%).

СБЕ га олиб келадиган касалликларнинг ўзаро нисбати




Барча беморлар икки гуруҳга булинди: Асосий ва назорат гуруҳлари. Асосий гуруҳда 30 нафар бемор булиб, уларнинг 15 таси (50%) эркаклар, 15 таси (50%) аёллардир. В Назорат гуруҳида ҳам 30 та бемор булиб, уларнинг 18 таси (%) эркаклар, 12 таси (%)эса аёллардан иборат.

**Расм 3. Беморларнинг гурухлар буйича
таксимланиши**



Тадкикот дизайни



Барча беморлар сурункали буйрак етишмовчилиги белгилари безовта қилгани учун консерватив даво олиш мақсадида бўлимга ётказилган. Даволанишнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида беморнинг умумий ахволи, касалликнинг кечиши ва лаборатория кўрсаткичлари мониторинги ўтказиб борилди.

Барча беморлар стационарга келган куни, шунингдек даволанишнинг 10-куни текширувдан ўтказилди. Беморларни комплекс даволаш дастури қуйидагилардан иборат: 7-пархез столи (сув-туз балансини тугрилаш учун), гипотензив даво, қон реологиясини яхшилаш, анемияга қарши кураш, метаболик ацидоз ва электролит балансини тиклаш, шунингдек, қонда азот алмашинувининг қолдиқ маҳсулотларини (азотемия) камайтиришдан иборат. Шу мақсадда асосий гуруҳдаги беморлар комплекс даво билан бирга леспефлан препаратини ҳам қабул қиладилар.

2.2. Текшириш усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш.

Беморларни лаборатор инструментал текширувлари қуйидагилардан иборат: қон ва сийдик умумий таҳлиллари, Нечипоренко таҳлили, қон биохимия таҳлили (АЛТ, АСТ, билирубин, мочевино, креатинин, қолдиқ азот, умумий оқсил, калий, натрий), қоптокчалар филтрацияси тезлиги (КФ), каналчалар реабсорбцияси (КР), ЭКГ, ультратовуш текшируви (жигар, буйраклар), қурак қафаси рентгеноскопияси.

Илмий текширувнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда беморларга тайинланди:

Умумий қон таҳлили

- Гемоглобинни гемоглобинцианид усули билан аниқлаш;
- Эритроцитлар ва лейкоцитларни Горяев камерасида санаш;
- Эритроцитлар чуқиш тезлигини Панченков микрометоди бўйича аниқлаш;
- Лейкограмма Романовский усулида бўйлаш орқали аниқлаш;

- Моравиц усули билан кон ивиш вақтини аниқлаш.

Буйраклар зарарланишини динамикада кузатиш учун:

- Сийдик умумий тахлили (оқсил Роберт усули буйича аникланади)
- Нечипоренко буйича сийдик тахлили – лейкоцитлар, эритроцитлар ва цилиндрларни 1 мл сийдикда аниқлаш
- Оқсилнинг суткалик экскрециясини аниқлаш
- Суткалик диурез

Буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун конда азот колдиклари микдорини аниқлаш:

- Яффе кинетик методи буйича креатининни аниқлаш;
- UV кинетик методи буйича мочевиначи аниқлаш;
- Реберг синамаси билан каналчаларда сув реабсорбциясини аниқлаш;
- Плазмадаги креатинин концентрациясига асосан Кокрофт-Гольт формуласи буйича коптокчалар филтрацияси тезлиги ҳисобланди.

Кон биохимия тахлили махсус биотестлар ёрдамида биохимик анализаторларда бажарилди:

- Билирубин ва унинг фракцияси Yendrassik усули буйича;
- Умумий оқсил биурет методи буйича;
- Конда оқсил фракциялари коғозда электрофорез усули билан;
- АЛТ ва АСТ калориметрик усулда
- Калий, натрий ва хлор ионлари Beckman анализаторида аникланди.

Жигар ва буйракларнинг ультратовуш текшируви Superscan аппаратида утказилди. ЭКГ «bioset» (Германия) аппаратида олинди.

III боб. Олинган натижаларнинг тахлили.

3.1 СБЕ интермиттирловчи боскичидаги беморларнинг клиник характеристикаси

Ушбу илмий ишда СБЕ интермиттирловчи боскичида булган 60 нафар беморга оид клиник лаборатор материаллар урганилди. Беморлар ТТА III клиникасининг нефрология булимида 2011 йилдан 2012 йилгача даволанган ва амбулатор кузатувида булган. Ушбу беморларда СБЕ га олиб келган сабаблар буйракнинг бирламчи касалликлари булиб, асосан сурункали гломерулонефрит, пиелонефрит ва поликистоздан иборатдир. Диабетик нефропатия ва бошқа касалликлар истисно килинди. Беморларнинг 33 таси эркак (55%), 22 таси (45%) аёллардан иборат. Беморларнинг уртача ёши $36,3 \pm 3.1$ йил, уртача тана вазни $61,4 \pm 5,6$ касаллик давомийлиги 10.4 ± 2.4 йилдан иборат. Барча беморлар тасодифий танлаш йули билан икки гуруҳга булинди: Асосий ва Назорат гуруҳлар. Асосий гуруҳда 30 нафар бемор булиб, уларнинг 15 таси эркак, 15 таси аёллардир, назорат гуруҳида ҳам 30 нафар бемор бўлиб, уларнинг 18 нафари эркак ва 12 нафари аёллардан иборат. Беморларнинг барчаси меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли катламига мансуб. Тошкент шаҳар аҳолиси 26 тани, кишлоқ аҳолиси эса 34 тани ташкил килади.

Беморларнинг анамнези объектив куриги, клиник ва лаборатор текширувларига (кон ва сийдик умумий тахлили, кон биохимия тахлили, Нечипоренко тахлили, суткалик протеинурия, КФ, УЗИ, ЭКГ) асосланган ҳолда СБЕ интермиттирловчи боскичи ташхиси қуйилди. 10 кунлик комплекс даволашдан сунг, лаборатория тахлилари узгариши (кон ва сийдик умумий тахлили, биохимия тахлили, суткалик протеинурия, Нечипоренко, КФ, коагулограмма) динамикада кузатилди.

Стационар даволанишдан 20 кун кейин беморлар қайта текширувдан ўтказилдилар ва бунда жами 40 бемор катнашди (умумий кон ва сийдик тахлили, биохимия тахлили, суткалик протеинурия, КФ).

Жадвал 1.

Беморларнинг ёш ва жинс буйича тақсимланиши.

Беморлар гурухи	Жами	Беморларнинг ёши ва жинси					
		20-35		36-45		46-55	
		Эркак лар	Аёл- лар	Эркак лар	Аёл- лар	Эркак лар	Аёл лар
А гурух	30	6	4	9	5	4	2
В гурух	30	6	5	8	6	2	3

Хар иккала гуруҳдаги беморлар шикоятлари деярли бир хил бўлиб, умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, бош оғриғи, бош айланиши, кунгил айнаши, қусиш, оғиз қуриши ва уйқусизликка шикоят қилдилар.

Жадвал 2.

